Яқин иккىйлда интернетта бүш IP-манзиллар тугаб қолиши мумкин, оқибатда янги сайтлар ташкил этишининг иложи бўлмайди. Шунинг учун ҳам, мутахассисларнинг фикрича, фурсатни бой бермай интернет-манзиллар яратиш протоколини IPv6га янгилаш лозим.



IPv4 ва IPv6 протоколларининг ўзига хос томони, улар ҳар бир сайтнинг интернетда мавжуд хос интернет манзилини яратади. IPv4 32-битли манзилларни кўллайди ва 4,3 миллиард хос манзилни сақлашни англатади, 128 битли IPv6 миллиардлаб янги веб-манзиллар яратишда кўл келади.

IT-BIZNES

НАВБАТ МОБИЛ
РЕКЛАМАГА

Apple корпорацияси 275 миллион доллар сарфлаб Quattro Wireless мобил реклама операторини сотиб олиши мумкин. Шу тариқа корпорация бевосита Google компанияси билан ракобатта киришади.

Эслатиб ўтамиш, Google 2009 йилнинг ноябр ойида 750 миллион доллар эвазига AdMob мобил реклама операторини кўлга киритганди.

Nokia Appleни АЙБЛАДИ

Nokia компанияси Apple компанияси устидан АҚШ Халқаро савдо комиссиясига шикоят билан чиқди. Фин компанияси Appleнинг деярли барча маҳсулотлари, жумладан, iPhone смартфонлари, iPod плеерлари ва компютерлари чиқарилишида патент шартлари бузилаёттанини таъкидлаган.

ТЕЛЕВИЗОРЛАР САВДОСИ



Мутахассисларнинг қайд этишича, 2010 йили жаҳон суюқ-кристалл экранли телевизорлар бозори 155-170 миллион бирликка етади, унинг 90 физи изи етакчи ўн ишлаб чиқарувчи ҳиссасига тўғри келади. Етакчилар – Samsung, LG, Sony, Sharp, Philips, Toshiba, Vizio, Panasonic, TCL ва Funai.

2009 йили телевизорлар савдоси 101 миллиард долларни ташкил этганди.

TV

3D-ТЕЛЕВИДЕНИЕ
ИШГА ТУШАДИ

DirecTV – Америка йўлдошли телетармоғи АҚШдаги биринчи HD-телеканал (3D)ни ишга тушириш арафасида турибди.

Шунингдек, 2010 йилда Буюк Британия ва Жанубий Кореяда ҳам 3D-телевидение ишга тушиши мумкин.



MOBIL ALOQA

КЕЛАЖАК ЯПОНЛАР ТАСАВВУРИДА

Япониянинг NTT DoCoMo мобил алоқа оператори Future Station – келажак музейида келуси ўн йиллик технологиялари ҳақида ўз тұхтамини тақдим этди. Маълум бўлишича, телефонга катта экраннинг ҳечам кераги йўқ. Келажак телефоны тасаввурни исталган юзада, ҳатто ҳам голограмма кўрининшида акс эттира олади.

Бундан ташқари, телефон электрон калит, электрон чипта, видеоконференциялар ўтказувчи курилма, автоматик овозли таржимон, робот-чанг ютгич, робот-совутгич вазифаларини бажаради. Энг қизиги, японларнинг тасаввуртика, телефон кувватни инсон танаши ҳаракатланишидан оларкан.



КОНИ ХАЗИНА

Швецияда, статистика маълумотларига қараганда, ҳар бир фуқарода ўртача ҳисоблагандыкта ғойдаланулаётган 2,4ta мобил телефон бор. Мутахассислар агарда мамлакатдаги жами эски телефонлар бир жойга йигиб, қайта ишланса 160 килограмм соғ олтин, 700 килограмм кумуш ва 56 тонна мис олиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқиши.

Агарда бу иш удаланса атроф-муҳитта жиддий таъсир ўтказётган төг-кон саноати маҳсулотига талаб камайишига эришиш мумкин.

МУАММО САБАБИ – iPhone..

Британия мобил алоқа оператори ўз тармоғида iPhone смартфонидан ғойдаланувлар түфайли интернет-трафикда муаммолар пайдо бўлганини маълум қўйди. Бу ҳолат оператор iPhoneни сотишни бошлаган ўтган йил ёзидан бошланган.

Фойдаланувчилар мобил иловалар кўчириб олишга зўр беришган, бу эса кўп трафик талаб қиласди. Натижада O2нинг интернет-шлюзлари ва коммутаторлари юқори босим остида ишляпти.

AXBOROT XAVFSIZLIGI

Adobe ХАКЕРЛАР
НАЗАРИДА

McAfee компанияси-нинг маълум қилишича, 2010 йилда Microsoft четда қолиб, Adobe компанияси маҳсулотлари хакерларнинг асосий нишонига айланishi мумкин.



Мутахассислар ҳолатни Microsoftнинг янги – Windows 7 амалиётлар тизими ҳимоя тизимининг ишончлилиги билан изоҳлашмоқда. Бунинг устига кенг тарқаган Adobe Acrobat ва Flashнинг янгиланиши муддатлари узоқлиги (икки ҳафта) кибержиноятчиларнинг вақтдан унумли ғойдаланиш колишиларига имкон тудиради.

Шунингдек, Twitter ва Facebook сингар, ижтимоий тармоқлар, банклар ва электрон почтага киберхужумлар кўпайиши эҳтимолдан йироқ эмас.

TEХНОЛОГИЯЛАР

Blu-ray:
ИККИ БАРАВАР СИГИМЛИ

Sony ва Panasonic корпорациялари Blu-ray дисклари сигими ни оширувчи янги технология (MLSE – Maximum Likelihood



Sequence Estimation) ишлаб чиқиши. У дискнинг бир томонига 25 ўрнига 33,4 гигабайтгача маълумот жойлаш имконини беради, шу тариқа дискнинг умумий сигими 66,8 гигабайтгача етади.

Бола ва компьютер

**Компьютернинг
болалар учун
кандай фойдаланиш
томуонлари бор,
зарари кай
даражада?**

Компьютер қаршиисида жуда кўп ўтириши — болалар кўриш қобилиятининг сусайиши, бош оғриши ва айланнишига, умуртқа сугининг қўйшайиши, нурланишига сабаб бўлиши мумкин. Гарвард университети олимларининг аниқлашича, олти ёшдан катта болалар учун мўлжалланган машҳур компьютер ўйинлари зўравонлик ва шафқатсизликка мойилликни яратапти. Мазкур ўйинлардаги қотиллик ва таҳқирланиш виртуал бўлса-да, реал ҳаётга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу аввало, болаларда ақлий салоҳиятнинг сусайиши, ёвуз, жиззаки бўлиб қолишида сезилади.

Педагоглар, компьютер-

дан кўп фойдалана-
диган болаларда ёзма фикрлар
даражаси сусаяди, улар матнларни
айнан гапириб бера
олмайди, дейишади.

Шифокорлар ҳам уни
бала соғлиғига салбий
таъсир кўрсатишни
айтишмодга.

Бола фикрлар қобилиятини оширувчи ўйинлар орқали ўқиши, математик ҳисобларни ўрганиши мумкин. Тўғри ташланган компьютер ўйинлари бола ақлий салоҳиятни, фикрлар қобилиятини ривожлантиради. Шунингдек, хорижий тилларни компьютер ўйинлари орқали ҳам кўриб, ҳам эшишиб ўрганади. Отагоналар компьютер бола соғлиғига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун боланинг бу “акли машина” қаршиисида ўтказидиган вақтини қаттиқ назорат остига олишлари шарт.

Шу ўринда бола компютер қаршиисида бир

кунда қанча
ўтириши мумкин деган
савол туғилади.

6 ЁШГАЧА бўлган
болалар компьютер қарши-
сида 20 дақиқадан кўп
ўтирмаслиги керак. Шунда
ҳам ҳар кун эмас.

7-8 ЁШЛИ болалар
учун эса бу муддатни
кунинг 30-40 дақиқагача
уайтишиб мумкин.

9-11 ЁШДАН бошлаб
бу вақт бир ярим соатдан
ошмаслиги керак.

“Microsoft” компания-
си асосчиси Билл Гейтс ўз
фарзандларига кунига,
кўпли билан 45 дақиқа,
дам олиш кунлари эса 1
соату 45 дақиқа компютер
уюйинлари ўнашга рухсат
берган. Уларни ҳар 15-20
дақиқада танаффус
қилишга мажбур қилган.



MASLAHAT

**Болангиз компьютер
ўйинларига кизикиб
колса, нималарга
эътибор бериш керак?**

■ Агар шундай бўлса, болангизни спорт турларига асосланган ўйинларга жалб қилинг. Ва албатта, ҳақиқий матчларга олиб боринг. Бу унга виртуал ва реал ҳаётни бир-биридан ажратиш имконини беради.

■ Бажарган ишлари эвазига компьютер ўйинларини ўйнашга рухсат беринг, масалан, дарслари тўлиқ ўзлаптира саёни ўйнушларини вақтида бажарса.

■ Компьютер ўйинлари учун муайян вақт белгиланг. Яни, фарзандингиз ёшига қараб маълум муддатдан ортиқ компютер қаршиисида ўтирасин.

■ Компьютерда шуғуллангач, кўз ва мушаклар учун махсус машқулар қилдиринг.

■ Бўш вақти компютер қаршиисида ўтмаслиги учун унинг эътиорини бошқа машғулотга қаратиш лозим. Спортга жалб қилиш ёки фойдали хобби топиб бериш айни мудда бўлади.

■ Унутманг, оиласда зиддиятлар бўлса, бола улардан қочиш учун ҳам ёғлини афзал билиб, компьютер оламига “яширинали”. Шунинг учун бундай ҳолатлар бўлмаслигига ҳаракат қилинг.

■ Мактаб ёшлигача бўлган болаларнинг компьютер ўйинларига муккасидан кетиши айниқса зарарли. Яхшиси, уларни расм чизишига, китоблар ўқишига жалб этинг.

SO'RANG — JAVOB BERAMIZ

«Хабар»
газетасига

1. Туаржойга
бўлган мулк ҳуқуқи
ҳақида тушунтириши
берсангиз?

Бектош ЭРГАШЕВ
Самарқанд вилояти

1 Туаржой хусусий ёки давлат мулки бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар давлат туаржойига бўлган мулк ҳуқуқининг

субъектларидир.

Туаржойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрилган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишили туаржойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишин талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

2. Беш қаватли ўйнинг 3-қаватида
яшайман. Иккинчи қаватдаги қўнимин
яқинда З хонали квартirasини таъмиради.
Таъмилаш жараённада у деворларини
бузуб ташлаб хоналарини кенгайтириди. Бу
ўйнинг сейсмик ҳолатига салбий таъсир
кўрсатишши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлан-
тишиларимизга эътибор бермади.
Қўнимининг хатти-ҳаракати асослими?

Бобур ЖЎРАЕВ
Тошкент шахри

2 Кўшнингизнинг хатти-ҳаракати қонунга
зид. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
кодексининг 11-моддасига асосан туаржой
мулкдори ўзига тегишили бўлган иморатнинг
ички лойиҳаларини ўзгартирисга, уни қайта
куришга тумон ҳокимиётининг рухсатномаси-
ни олишлари зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 30
декабрдаги 272-қарори билан тасдиқланган Якка

тартибдаги уй-жой курилиши тўғриси-
даги низомга асосан уй-жой курили-
ши амалга оширилиши лозим.

Яни, курувчи — курилиш мезёrlари
ва қоидаларига риоя этган ҳолда курили-
ши қилиши учун режалаштираётган
курилиш лойиҳасини мутахассис текши-
рувидан ўтказиши, бунинг учун янги
курилиш лойиҳасини Архитектура ва
курилиш бош бошқармаси томонидан
тасдиқлатиш ва маҳаллий тумон ҳоки-
миятнинг рўйхатидан ўтказиши лозим.
Шундан сўнг курилиш ишларини боши-
лаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Курилиш қилиши тегишили рухсат-
нома олмасдан курган шахс, уй-жойларни
куриш қоидаларини бузган деб топилади ва унга
нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ
жавобгарлик кодексининг 160-моддасига асо-
сан маъмурӣ жазо қўлланилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида
курилиш макалалари учун ахротимаган ер участ-
каларида, шунингдек, иморат куриш учун
зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва

курилиш нормалари ҳамда қоидаларини жид-
дий бузган ҳолда курилган уй-жой, бошқа бино,
иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик
билан курилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат курган шахс
унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс курган
иморатини тасарруф этишига — сотишга, ҳая
етишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан
боши титимлар тузишига ҳақди эмас.

Ўзбошимчалик билан иморат куриш натижаси
да ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишили
давлат органининг давъоси билан бундай иморат
суднинг қарорига биноан иморатни курган шахс
томонидан ёки унинг ҳисобидан бузуб ташлани-
ши лозим (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик
кодексининг 212-моддаси).

Демак курувчи ўз унун кураётган туаржой бино-
сини замонавий ва сейсмик жиҳоздан мустаҳкам бўли-
ши ҳамда курилиш мезёrlари ва қоидалари талабларига
жавоб берадиган дарёҳада курилиши учун юкорида
қайд этилган қонун ҳужжатларига амал қўйса мақсадга
мувофиқ бўлади. Бундан ташкири, курилиш қўливи
ён қўшилшар билан ўзаро норозилик ва келишмовчи-
ликлар олдини олиб иш юритишлари керак.

3 Курилиш вақтида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатлари ҳам
қонун бузилишига сабаб бўлади.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар ҳудди шундай ҳаракатлар учун
маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик
бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч инглажа ахлоқ тузатиш ишларни ёки олти
ойтча қамоқ билан жазоланди (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2291-моддаси).

Саволларга Тошкент шахар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг Ердан фойдаланиши ва
унинг мухофаза қилинишини назорат қилиш шўбаси бош мутахассиси Ҳусан НИЯЗОВ жавоб берди.

2009 йил бутунжакон молиявий-иктисодий инкирози оқибатларига карши курашиб иили сифатида тарих саҳифаларига кирди. Табиийки, жаҳон ахборот технологиялари (IT) бозори бу жиддий синовдан четда колмади. Юкори технологиялар саноати ҳам таркибий, ҳам технологияларни ривожлантиришга доир катта ўзгаришларга учради. Факат янги бозор шароитида яшовчанлигини исботлаган технологияларгина ривожланиши йўлига чикиб олди ва улар инкироз оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, инкироздан кейинги даврда сермахсул фаолият юритиш учун асосий кўлланмаларга айланди.

Ахборот технологиялари бозори учун иктиносидётдаги бу каби пасайшлар биринчиси эмас, шунга қарамасдан, бу сафар инкироз ахборот технологиялари билан бевосита боғлиқ иктиносидёт тармоқларига жиддий путур етказиши оқибатида аксарият технология компаниялари фаолияти сустлашганига ёки бутунлай тўхтаганига гувоҳ бўлдик. Шу тарзда, 2008 йил ниҳоясида бошланган инкироз оқимиз 2009 йилда оммавий ишдан бўшатишлар, лойиҳаларнинг барбод бўлиши каби кўринишларда авжига чиқди. Ахборот технологиялари бозорида ўзига яратса мавкега эга Nortel компанияси инкирознинг дастлабки курбонларидан бирига айланди – 2009 йил январ ойидаги банкрот дея ўзлон қилинди.

2009 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган ҳисоботида Microsoft компанияси сўнгти 20 йилда ишларни муроҷаатлаштиришга мөмчил ўзига кўнглиларни маълум қилди ва кўпласб иш ўринларини қисқартириди. Intel корпорацияси эса микросхемалар ишлаб чиқарувчи бешта заводини ёпди – олти минг нафар ишчи кўчада қолди. Унга рақобатчи AMD компанияси ҳам молиявий ҳолати ёмонлашгани муносабати билан иш ўринларини ўн фоизга қисқартиришга мажбур бўлди ҳамда микросхемалар ишлаб чиқариш ўрнига уларни лойиҳалаш билан шуғулланишга қарор қилди. Ҳатто ахборот технологиялари компаниялари орасида иктиносидёт инкирозга энг бардошли дея ётироф этилган Appleда ҳам йил аввалида қисқартишлар амалга оширилди.

Бюджет тақчиллиги шароитида буюртмачилар мавжуд ахборот технологиялари инфратузилмасидан самарарироқ фойдаланишта, кўпроқ камхарж, қисқа муддатда ўзини қоп-

IT-САНОАТ:

2009 йил якунлари

лайдиган, шунинг баробарига бизнес самарадорлигини оширадиган технологик лойиҳаларга эътибор қарата бошлашди. Бундан келиб чиқиб, IT-ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари устида қайта-қайта ишлашларига тўғри келди: истеъмолчилик учун ҳамёнбоп маҳсулотлар ва бизнес учун иктиносидёт ечимлар яратишга киришилди. Натижада савдо ҳажми ошиши ва аксинча, ишлаб чиқарувчилар олаётган фойда камайиши кўринишидаги номутаносиблик ўзага келди. Айрим компаниялар фойданни ошириш учун кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Умуман олганда, Gartner компаниясининг дастлабки ҳисоб-китобларига қарагандай, жаҳон ахборот технологиялари бозори ҳажми аввалиг ўйла қараганда 2009 йилда таҳминан 200 миллиард долларга қисқарди. 2009 йил шахсий компютер ишлаб чиқарувчилар учун оғир кечди – таҳлилчилар дунё компютер бозори ҳажми 16 фоизга қисқарганини маълум қилишган. IT-хизматлар савдоси 5-6, телекоммуникациялар сза 4 фоиздан кўпроқ йўқотишига учради. Дастурий маҳсулотлар соҳаси инкирозга энг бардошли бўлиб чиқди, унга бўлган талаб қисқариши 2 фоиздан ошмади.

2009 йили IT-саноат ривожида давлат кўллаб-куватлар дастурлари мухим аҳамият касб этиди. Инкироз шароитида ўз мавқенини сақлаб қолишидан манфаатдор технологик

стакчи мамлакатлар инновацион технологияларига киритилаётган сармоя ҳажмини оширилди. Даъват лойиҳаларида деярли барча йирик IT-компаниялар, жумладан, Intel, Cisco, Dell, IBM ва HP иштирик этди. Шу ўринда IT-саноатни кўллаб-куватларга борасида Хитой тажрибаси диккатга сазовор. IT-маҳсулотларга бўлган ички талабни раббларни таъсизларига тез жавоб беришга ўргатди, бу ҳам қайсиидир маънода технологияларнинг ривожини белгилаб берди. Айни пайдада юқори технологияларни маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг барча йўналишларига ўсиш кузатилияпти, демак, 2010 йилда IT-саноат инкироздан чиқишини бошлайди, дейишга ҳар томонлама асослар етарли. Gartner компаниясининг сўнгти маълумотларига қараганда, бу йил IT-бозор ҳажми 3,3 триллион долларга етиши мумкин.

2009 йил ахборот технологиялари саноати учун ўзига хос синовдан ва сабоқлар ийли бўлди. Янги бозор шароити ишлаб чиқарувчиларни юқори самарадорлик ва буюртмачиларнинг талабларига тез жавоб беришга ўргатди, бу ҳам қайсиидир маънода технологияларнинг ривожини белгилаб берди. Айни пайдада юқори технологияларни маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг барча йўналишларига ўсиш кузатилияпти, демак, 2010 йилда IT-саноат инкироздан чиқишини бошлайди, дейишга ҳар томонлама асослар етарли. Gartner компаниясининг сўнгти маълумотларига қараганда, бу йил IT-бозор ҳажми 3,3 триллион долларга етиши мумкин.

Мавзу доирасида:

Computerworld нашри журналистларининг фикрича, 2010 йилда жаҳон ахборот технологиялари бозорига қўйилдаги 10ta мухим воқеа амалга ошиши кутиляпти:

1. Инкироздан сўнгти тикланиш жараёни.
2. Apple компанияси электрон китоб қурилмалари бозорига пайдо бўлади.
3. «Yahoo!» компанияси раҳбарни алмашади.
4. Oracle компанияси Sun Microsystemsни ниҳоят қўлга киригади.
5. Google интернет-компанияси бошқа соҳаларда ҳам фаолият кўрсатишини бошлайди.
6. Intel муммалолар гирдобида: монополияга қарши компаниялар.
7. Мобил қурилмалар янада оммавийлашади.
8. Ахборот хавфсизлиги соҳасида янги хатарлар пайдо бўлади.
9. Ижтимоний тармоқлар “улгайди”.
10. Онлайн контент бозори ривожланади.

Собиб АҲАДОВ тайёрлади

Табриклайиш!

“Қорақалпоқ Телеком” филиали жамоаси филиалининг техник линия бўлими бошлиги Сандибай ЕСТЕКОВ ҳамда ишлаб чиқарши лабораторияси бўлими етакчи мухандиси Нурилай УРАЗБАЕВни муборак 60 ёшлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соглиқ, узоқ умр, фарзандлар баҳту ишни кўришилик тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЗФ Филиали Дангарга почта алоқаси тармоғи алоқа бўлими бошлиги Нурматжон РУСТАМОВни 55 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, хонадонига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси “Ўзбекистон почтаси” ОАЗХ Хоразм филиали директори Отабой РАҲИМОВни қутлуг 50 ёши билан муборакбод этади ва соҳа равнави ўйлида олиб бораётган эзгу ишларига улкан зафарлар тилайди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети Алоқа тарихи музейидаги университети павилиони учун материаллар йигиш мақсадидаги ТАТУ (ТЭАИ)ни туттагашлардан винеткалар, тарихий расмлар, чон этилган дарслерик, қўллами, рисолалар ва техникавий қурилмаларни университетга тақдим этишларини сўрайди.

Материал ва ҳужжатлар нусхалари олиниб қайтариб берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 238-65-85, 238-64-74.

ТАТУ маъмурияти

Навоий эркин индустриал-иктисодий зонасидан махсус муҳбиришим хабар қиласи

Чўл бағрида кошоналар

Навоий аэропорти йўлидан ўтган ҳар қандай одамни бутунги ўзгаришлар лол қолдириши табиий. Оддий Малиқработ кўрғони бутун кўркам ва тўзал қиёғага кирган. Улкан бунёдкорлик ишларига ободончиллик янайям ўзгача файз бағишламоқда. Бунёдкорлик ишлари кўлами эса тобора кенгайиб бормоқда.

Навоий эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳамда Навоий халқаро аэропорти учун ажратилган майдонда “KOREAN AIR” компанияси томонидан тураржой бинолари курилиши бошланиши муносабати билан биринчи гишт қўйилди.

“KOREAN AIR”нинг Ўзбекистондаги бизнесидан кўзланган асосий мақсад – Навоий аэропортини логистик марказ сифатида ривожлантириш, ҳаво йўли, темир йўл ва автомобиль йўлларини бирлаштирган ҳолда Ўзбе-

кистонда Марказий Осиёдаги энг йирги логистика марказини ташкил этишдан иборатиди.

Навоий халқаро аэропорти негизида ташкил этилган мазкур марказда бутунги кунда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатига халқаро рейслар йўлга қўйилди. Ўтган 2009 йил мобайнида марказ томонидан 5814 тонна юк ташилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан ўн марта кўпиди.

Мажмуя курилиши учун ажратилган 120,96 гектар ер майдонида режалаштирилаётган тураржой бинолари, электр энергия, газ, сув, йўл ва бошқа ижтимоий инфраструктурасига эта кичик шаҳарча вилоятимизга ташриф буюротганда ишлаб чиқарувчиларни яшашлари, меҳнат қилишлари, дам олишлари учун барча қулай шартшароитларни яратади.

Маруса ҲОСИЛОВА

Замонавий ғоялар

Баркамоң авлод деганды албатта хар томонлама етүк, билемли ёшлар күз оддимизда гавдаланади.

Мамлакатимизда истиқболимиз ёшларга боғлик эканлыги инобатта олинган холда, уларга янада күпкөр эътибор, кулагай шарт-шароитлар яратып берилепти.

Бу борада эса Юргашимизнинг қатор фармона ва фармойшилари қабул қилинган бўлиб, уларда илманийи янада ривожлантириш, иктидорли ёшларни илмий фаолиятга кент жалб этиши учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илманий ва технологияларни ривожлантириш маҳсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий тайым мусассасалари тизимида илгор истиқболи илмий тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориши учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга кўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши лозимлиги ҳақидаги масалалар ўз аксини топган.

Бутунги кунда ушбу кўрилаётган масалалар эътибордан четда эмаслигини тўла ишонч билан айтиши мумкин. Хусусан, университетимизда билим олишмиз, мустақил изланишларимиз учун бир қанча имкониятлар мавжуд. Университет доирасида катта ўқитувчи Нодира Эргашова бошчилигида ўтказилган “Ўзбек дастурчилари” танлови ҳам шундай имкониятлардан бирни бўлди. Танловда 11 нафар иктидорли талаба қатнашиб, ўзларининг янги ва замонавий ғояларини тақдим этдилар. Шулардан энг яхши ғоя соҳиблари аниқлаб олини. Шундай қилиб, 1-ўрин “Кишилоқ ўзжалиги бўйича” яратилган дастур соҳиби, 3-босқич талабаси Бекзод Асатулаевга, 2-ўрин компютер вирусларини йўқотишга қаратилган ғояси учун 4-босқич талабаси Азиз Турдиевга, 3-ўрин Microsoft Office Word дастурнида ўзбек алифбоси орфографияси билан боғлиқ янти имкониятларни яратганига сабабли 4-босқич талабаси Шавкат Ҳамиджоновга топшириди. Шу билан бирга, “Энг яхши дизайн”, “Долзарб лойиҳа”, “Кулагай лойиҳалар” ва “Ёш дастурчи” номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Бунда барча иштирокчи талабалар ўз билим ва салоҳиятини кўрсан олди.

Кўриниб турибдик, мамлакатимизда ўтказилаётган бу каби тадбирлар биз ёшларни янада изланиши мизга, интилишимизга замин бўлиб хизмат қиласди. Давлатимиз томонидан бу қадар улкан имконият ва имтиёзлар яратиб берилётган экан, биз янги-янги чўққиларни забт этишига ҳаракат қиласерамиз.

**Мадина РАМАЗОНОВА,
ТАТУ талабаси**

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АҲБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ



Маълум қиласиди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асоссан:

“BOBUR ALOQA SERVIS” хусусий корхонасининг (Наманган ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002583 рақамли;

“Хоразмпўлатмонтаж” масъулияти чекланган жамиятининг (Хоразм вилояти) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002501 рақамли;

“ОҚБ ФОТОН” давлат корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001654 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2009 йил 25 декабрдан тутатилди.

Бу воқеаға салкам йигирма тўрт йил бўлди. Гилосга ранг кирган ёз эди. Бир қўлимда ўтилчам, бир қўлимда оғир тўрхалта, ота-онам хузурдан қайтардим.

— Если хотите, я помогу.

Ёнгинамда оқ сариқдан келган сарвқомат қиз. Аввал кўзлари дикқатимни тортиди. Мовий кўзлар. Нақадар бегубор, нақадар масъум бу нигоҳ. Елкасини тўлдирган сумбул сочлари-чи! Сехрловичи нафосат, илиқ-иссиқ истара, ажаб жозиба

чехраси янада ёришиб, — Болангизни ҳам менга бера қолинг, чарчабсиз, юзларнинг қизарип кетиди.

— Кўйверинг, ана, уйимизга ҳам етиб келдик. Ундан кўра, бизнисига юрчинг, бир чойхўрлик қиласиди.

— Вой, ростданми? Биз ҳам шу “дом”да яшаемиз. Биринчи қаватда.

Ира бизни остоңагача кузатиди чиқди. Шунча қистасам ҳам унамади. “Оқшом чиқуб юмушларингизга қарашаман”, деб хайрлашди. Биз ҳам, у ҳам

— Қийналиб, — дейди у бизни хижолатга қўйиб. — Қий-на-лиш, ий-ү-ү-қ, мен мазза қилилман лугат ёдлаётганимда. Нимага?

Билмадим. Но мне очень приятно! Тушундингизми. Мен-га жу-да ё-қа-ди... Ахир, бошқа тилларни билмаган ўз тилини ҳам яхши ҳис этмайди, деган-ку шоир, Гёте!

Зулфияхон Ирани ранжитиб қўйганидан изза бўлиб, ёйлиб қулади:

— Ирахон, хафа бўлма, айтдим-қўйдимда. Шу ерда туғилган қавмларингнинг

Зулфияхон нега изза бўлди?

олдиди лол эдим.

Жавобимни кутмай қўлнимдан зил-замбиль бўлиб кетган тўрхалтани олди:

— Давайте я понесу.

— Спасибо.

Ўн саккиз ёшлардаги бу кизни илк марта кўриб турсамда, бир онда қалбимга яқин бўлди-қолди.

— Сиз жуда олисдан келдийиз чоғи? — сўрадим. Қалбим, бу қиз фарғоналикмас, меҳмон, дерди.

— Меҳмонман. Кечак дугонам билан келдик. Сибирдан. Практикага. Амалиёт муддатини ўтасак, қайтиб кетамиз.

— Фарғонамиз сизга ёқидими?

— Ёққанда қандоқ, шаҳар эмас, истироҳат боғи-ку! Кета кетгунча боғ, охири кўринмайди. Дадам билан кўп мамлакатларда саёҳатда бўлғанмиз. Бирор мен бунака парк-شاҳарни энди кўришим! Айниқса, ҳайбатли чинорлари, ариқуларда бир зум тўхтамай оқаётган зилол сувининг жилдариши! Бунака

кўнтилниш яштишувчи манзара ҳеч ерда йўқ. Қисқаси, энг армонисиз ҳаёт Фарғонада бўлса керак. “Ўйқудаги пари” дейишилганларича бор экан!

Энди мен унинг шаҳар ҳақида кўп нарса билишидан ҳайратда эдим.

— Ҳайрон бўлмант. Биз амалиётни бежиз Фарғонага олмаганимиз. Мақтобини кўп эшигандик. Практикамиз ҳал бўлгач, шунақа севиндик, асти қўйверинг.

Кутубхонага бир ҳафтабақтабар, Фарғона ва водий ҳақидаги жами агадабиётларни ўқиб чиқдик. Билмаганларимизни энди видоят кутубхонасига бориб, билиб олармиз, — деди

бу кутилмаган танишувдан баҳтиёр эдик.

Шундай қилиб, биз Ирина билан дўстлашиб кетдик. У ўй ишларимга қарашар, дам олиш кунлари рўзгор юмушларига кўмиллиб қолганимда Мақсадбекни кўлдан кўймай кўтариб юради. Менинг энг севинтирган нарса — унинг ўзбек тилини ўрганишиша жондилни билан қизиқани эди. Ҳар лаҳза тинимисиз савол ёддирарди. Бир гал унга китоб дўконидан русча ўзбекча лугат келтирганимда, шундай хурсанд бўлдики.

— Менга катта яхшилил қилдингиз. Мана кўрасиз, бир ҳафтада ўзта ўзни ёдлайман, деб юргурилаб хонасига тушиб кетди. Эртаса эса: “Бир умр эсимдан чиқмайди, раҳмат”, деди ўзбек тилида. Мен лолу ҳайрон эдим. Куломигма бу талаффуз шунақа ёқимли, шунақа ширин эшитилдики, нима деб таҳсис-тассанон айтишин билмасдим. “Койил”, деда олдим, холос.

“Дом”имиз томигача қип-қизил атиргуллар чаман-чаман очилган кунларнинг бирорида кўйнимиз Зулфияхон билан ташқаридаги дорга кир ёйрдик. Ира бўлса Мақсадбек кўлида, лугат ёдларди.

— Родина — Ватан, она, Ватанни севом, киндиқ қони тўкилган жой...

Хозир “киндиқ ўзи нима?” деб сўрайди хаёлимдан ўтиб турганда Зулфияхон фикримни бўлди:

— Войе, ҳадемай юргита кетса. Қийналиб-сийланиб тил ўрганиб зарил кепти-мийкин!?

баззилари ҳатто ўзбекча саломга алиқ олишни ҳам билмайдику! Сен бўлса, келганинга бир ой бўлмай бинойидай гапирипсан. Отангта раҳмат.

— Отангта раҳмат! Мента-чи?

Биз хо-холашиб кулиб юбордик.

Ўша ёз тафти сезилган фасли баҳорнинг сўнгги кунлари шундай ёқимли хотиралар қолдирган. Ҳар баҳор атиргуллар алвон рангларда товланин томларга бўй чўзганди Ирани эслайман.

— Ира, Ирахон, қол, кетма, — дегандик қўни-қўшиллар унга астойдил. — Тилимизни ҳам бинойидек ўрганиб олдинг. Биздан ҳам бурро, биздан ҳам чиройли гапирипсан!

Софга, деб берганим — Одил Ёқубовнинг “Улугбек хазинаси”ни қабул қилас, экан кўзлари ёшга филт-филт тўлди:

— Мен Фарғонани, сизларни қалбимда олиб кетаман, — деди ўзини кўлга олиб. — Хайр! Яхши кунларда кўришайлик. Раҳмат!

У кетди. Кундалик дафтаримда унинг дастхатида битилган Фарғона ёғочни қайта ишлаш заводида қайси кунларда соат неччидан неччигача ишланиши билтилган ёзув қолди.

Энди, орадан шунчага сувлар оқиб ўттач, соф ўзбек тилида сўзловчи хорижликларни кўрганда сибирлик Ирина Коуева ёдимга тушади. Мовий кўзлариди “Мен сенин севаман, ёш! Мен сизларни севаман, одамлар!” деган маънони уққандек бўламан.

Хафиза САЛЯХОВА

БҮГУН: ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВ

Санкт-Петербургда ўтаётган Валентин Гранаткин хотира турнирида Ўзбекистон үсмirlар терма жамоаси ўз гурухила учинчى ўринни эгаллаб туриди.

Вакилларимиз биринчи ўйинде белгиялик тенгдошларига имкониятни бой беришганди: 1-2.

Иккинчи ўйинни Марат Кабаев шогирдлари Беларус терма жамоасига қарши ўтказиб матонатли галабага эришиди 3-2 (Голлар: Гаппаров, 20, 74, Баҳртдинов, 66 — Сарока, 4, 55).

Футболчиларимиз бугун ҳал қилувчи учрашувни турух пешқадами Россия терма жамоасига қарши ўтказади.

РАВШАН ЭРМАТОВ КҮЧЛИЛАР ОРАСИДА

Халқаро футболну тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) йил якунларига кўра турниромни номинациялар бўйича рейтингларни ёълон қилишда давом этмоқда. Мазкур ташкилот дунё ҳакамларининг жадвалини чоп этди.



Унда Осиёнинг иккиси карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов 14-ўринда қайд этилди. Ўтган йилги рейтингда ҳакамимиз 17-ўринни эгаллаганди. Жаҳоннинг энг кучли 20 нафар ҳаками рўйхатиди Эрматовдан бошча осиёлик ҳакамлардан БААлик Али Хамад Малҳад Саиф ал Бадавий 16-ўринда кўрсатилган.

ЧЕМПИОНАТИМИЗ 33-ЎРИНДА

Ўзбекистон чемпионати Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) рўйхатидаги энг кучли 100 чемпионат орасида 403,5 очко билан 33-ўринин банд этди.

2009 йил якунларига кўра, Англия, Испания ва Германия чемпионатлари стакилик қилмоқда.

Дарвоҷе, Ўзбекистон футбол федерацияси президенти М.Усмоновнинг маълум қилишиб, 2010 йилги мавсумда 16та ўрнига 14та жамоа ишироқ этади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ФОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР

Покистоннинг Караби шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли ишироқ этмоқда.

Кирқ саккиз килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган ҳаморнимиз Алишер Маҳмудов чорак финалда Шри-Ланка вакили Садун Фернандо билан беллашди. Учинчى раундда рақебини нокутта учратган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ярим финалга йўл олди.

Иктидорли ёш боксчимиз Машҳурбек Рўзиев esa оғирлиги олтмиш тўрт килограмм бўлган боксчилар баҳсида ироқчик Умар Кифахта қарши жангидан ҳар томонлама устунлигини ишботлади.

ОҚГУЛНИНГ БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Австралияниң Брисбен шаҳрида дунёниг энг кучли теннисчилари ишироқида ўтказилаётган Хотин-қизлар теннис ўюнчалиси (WTA) мусобақалари тақвими-даги нуфузлиларни ҳалқаро турнирда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиласетган Оқгул Омонмуродова жорий йилдаги галабага эришиди.



Жуфтлик баҳсларида Хитой Тайпейи вакилиаси Юнг Ян Чан билан ҳамкорликда учинчى рақами дуэтни ташкил қиласетган Оқгул италиялик Сара Эррани ва чехиялик Ивета Бенесовага қарши кортга чиқди. Кескин ва муросасиз учрашувда рақибларидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган О.Омонмуродова ва Ю.Чан 2:6, 6:3, 12:10 ҳисобида зафар кучди.

Энди мазкур жуфтлик ярим финалга чиқиш учун россиялик Анастасия Павлюченкова ҳамда қозогистонлик Галина Воскобоевга қарши ўйнайди.

ҚУВАЙТ ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Халқаро Олимпия қўмитаси Қувайт Олимпия қўмитасини дисквалификация қилди. Бу қувайтлик спортчиларнинг Олимпия ўйнларидаги қатнашиши ҳукуқини йўқотганини анлатади.



Дисквалификация Қувайтда мамлакат ҳукуматига миллий Олимпия қўмитаси фаолиятига аралашиш ҳукуқини берувчи қонуннинг қабул қилинганлиги сабаб бўлган.



Ўтганларниң охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциацияси ижро директори Илҳом Абдуллаевга волдайи мұхтараси
ПОШША аянинг
вафоти муносабати билан таъзия иззор этади.

“АЛСКОМ” суругта компанияси Каашкадарё филиали жамоаси компаниянинг Шарқисабз филиали директори Абдураҳмон Ашурловга турмуш ўтроби
Робия аянинг
вафоти муносабати билан таъзия иззор этади.

“ЎЗИ-Қарши” филиали жамоаси филиалининг 221-ЭАТС электромуонтёри
Акмал УСМОНОВинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамлардлар билдиради.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиали жамоаси филиал фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик бўлими бошлиги
Рустам МУСТАФАБАЕВинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамлардни билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош мұхаррир:
Абдусаид КўЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош мұхаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуат ва ахборот
агентлиги томонидан 0016 рақами
билан 2006 йил 6 декабрда
рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-йи.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Таҳририятта келган қўлзёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан фарқланни
мумкин.

Нащримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганини
курсатилиши шарт.

Тикорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўрлилиги
таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳадсонийлиги учун мақола
муаллифи масъудлар.

Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-йи.

G-03 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Адади: 17803 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида терилиди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Усмонжон ЙўЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишига топширилди — 20.00.
Босишига топширилши вақти — 20.00.

12

2010-YIL — BARKAMOL AVLOD YILI

МАҲАЛЛАДА АҲБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Марғилон шаҳридан “Қирғули” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида шаҳар ҳоқимлита, “Камодот” ЁИХ шаҳар кенгаши, шаҳар “Маҳалла” хайрия жамгармаси ташаббуси билан Баркамол авлод йилининг дастлабки кунида маҳалла болалари аҳборот-ресурс ва компютер маркази фойдаланишга топширилди.

— Маҳаллизада компютерга қизиқсан ёшлар кўп эдди-ю, лекин шугулланадиган жой бўлмаган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Обиджон Ҳожи-раҳматов. — Мана энди ҳудудимиздаги истеъододи ва иқтидорли ўқувчи ёшларни кўллаб-куватлаш ва уларнинг бўш вакъларни мазмунли ташкил этиш мақсадида ушбу марказни очдик. Болалар аҳборот-ресурс марказидан исталган китобни топиши, компютер билан ишлаши учун шароитлар яратилди. Марказ ўқувчиларининг қизиқишига, ёшига қараб барча зарур жиҳозлар билан таъминланган, энтихими компютерни ўргатадиган, аҳборот-ресурс марказидан китоб таҳлашга кўмаклашадиган тажрибали мутахассис мураббийлар ҳам жалб этилди.

— Компютерда ишлашин жуда ёқтираман, шу ердаги 28-умумталим мактабининг 7-синифда ўқийман, — дейди Рӯзимухаммад Собиров. — Бу ерга энг замонавий компютерлар кўйилган, айниқса, уларнинг интернетта улангани мени кувонтириди. Мақсадим — ўзим қизиқсан фанга доир маълумотларни интернет орқали олиш ва билимимни бойитиш ҳамда хориждан дўстлар ортириш.

Шинамигина ўқув залиди китоб мутолаа қилаётган қизни сұхбатга тортдик.

— Китоб ўқиши ёқтираман. Мактаб аҳборот-ресурс марказида эса бадиий адабиётларнинг саноги йўқ, бу ерда хориж адабиётлари ҳам бисёр, — дейди 23-умумталим мактаби 8-синф ўқувчиси Фотима Фозиева.

Ёшларнинг замонавий билимларни пухта эгалашларни учун кенг имкониятлар берувчи бу марказ 8212 китоб захирасига эта, бешта янги компютер ўрнатилган. Айни пайтда “Камолот” ЁИХ шаҳар кенгаси томонидан уч ойлик компютер саводхонлиги тўтараги фаолиятни бошлади. Унда 30 нафар ўқувчи бепул сабоқ олмоқда.

ДАРСЛАР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА

Марғилон иқтисодиёт касб-хунар коллежи аҳборот-ресурс марказида ёш ўқитувчilar учун замонавий дарсларни ташкил этиши ва ўтказиши мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Семинарга ташриф буюрган Фарғона давлат университети ўқитувчisi, педагогика фанлари доктори, профессор Набижон Темиров ёш авлодга таълим-тарбия беришда замонавий аҳборот технологияларидан фойдаланиши, янги педагогик технологияларнинг мазмун ва мөҳияни ҳақида сўзлаб берди.

Семинар-тренингда ёш ўқитувчilar янги педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этилган бир қатор дарсларни кузатдилар. Улар информатика фани ўқитувчиси М.Ҳакимованинг шахсий сайти билан ҳам яқиндан танишиб, замонавий дарслар давр талаби эканлигига яна бир бор амин бўлдилар.


Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Аниқ маълумотларга карағанда, муттасил равишида оз-оздан асал истеъмол килиб туриш юрак фаолиятини яхшилайди, одамнинг умумий холатига ижобий таъсир кўрсатади, кон таркибини меъёрида ушлаб туради, гемоглобин салмогини оширади, юрак-кон томир туносини кўтаратади.

Удан танадаги турли аъзоларни даволашда фойдаланиш мумкин.



Кроссворд



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

ЭНИГА:

10. Машхур “Хапалак” шеъри муаллифи. 11. Бошқарув. 12. Хитой ва Россия чегарасидаги дарё. 13. Африкадаги шўр сувили берк кўл. 14. Ўзбек тилидаги биринчи фожия асар. 15. От (форсча). 18. Якин тарихда Германияда 100 пфенниг, Финляндияда 100 пеннига тенг бўлган пул бирлиги. 19. Манзарали ва гулширага бой ўсимлик тури. 20. Хашаротхўлар туркумига мансуб сутэмизувчи ҳайвон. 22. Япониядаги кўнха шаҳар. 24. Самолётлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик компаниялардан бири. 25. Электр сиғими бирлиги. 26. “Илоҳий комедия” асари муаллифи. 27. Вақтичча фойдаланиш. 28. Ўзбекистон – Зарафшон, Бразилия – Амазонка, Франция – ... 30. Байрамоди. 37. Австралия шаҳри. 38. Ганг дарёси билан кўшили Бенгал кўрғазига кўйилувчи дарё. 39. “Отелло” асаридаги салбий образ. 42. Исландия парлamenti. 43. ... кетар, одат кетмас” (мақол). 44. 1596-1650 йилларда яшаган француз файласуфи, математиги ва физиги.

БЎЙИГА:

1. Энг йирик денгиз флотига эга мамлакат. 2. Австралия дашларида яшовчи казуарлар туркумига мансуб күш. 3. Караб дengизи жанубида жойлашган орол-давлат. 4. Тулкининг “иши”. 5. Хинд-европа тиллари оиласига мансуб тил гурухи. 6. Жангчи куроли. 7. “Буюк кўллар”дан бири. 8. “...га татигулик кун” – Ч.Айтматов романі. 9. Шимолий дengизларда яшовчи балиқ тури. 16. Игна санчиб даволаш усули. 17. Африкадаги бу тоғинноми сухили тилидан таржима қилинганда “ялтироқ төг” деган маънони англатади. 21. Сунъий тўсик. 23. Санъат тури. 29. Скандинавиядаги энг кўнха университет мазкур шаҳарда жойлашган. 31. Бомараш асрлари қаҳрамони. 32. Маълумотларга қараганда, марказий Европадаги ушбу пойтактешаҳарда дунёдаги ягона ва сўнгти пневматик почта тизимиши турди. 33. Бутун, тўқис, ягона. 34. “Гаргантюа ва Пантагрюэл” романи муаллифи. 35. “Калипсо” кемаси капитани. 36. Испаниядаги жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бири. 40. Билярд таёғи. 41. Англия жанубидаги кичик дарё.

АСАЛ — ШИФОБАҲШ НЕЪМАТ

Асалнинг серхосият хислатларидан ҳалқ табобати тадбиркорлик билан фойдаланади. Жумладан, асалли чой балгам кўчирувчи, шамоллаша даволик қиливчи омил, ўтка шамоллашида ижобий натижажа берувчи восита сифатида тавсия этилади.

Булардан ташқари, асал бедармонликда, сипла куришида ва сил касалликларида кувват бағишлидиган та-

бииж даводир. Бунинг учун асални сабзи шарбати ёки сут билан кунига 60-100 г дан истеъмол қилиш лозим. Асал ўн икки бармоқли ичак ярасига ҳам малҳамдир.

Асал юркка кувват бағишивчи омил сифатида ҳам қадрланади. Асалнинг бу хислатидан замонавий тиббиёт ўз амалиётида фойдаланади. Маълумки, глюкоза мушак тўқималарига энергия-куват берувчи манба ҳисобланади, у юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Айни шу мақсадда беморга кўп миқдорда қайнок чой билан асал бериш тўғри келмайди.

Чунки юрак фаолияти кескин ортиб кетади, бадандан бемаврид тер ажralиши кучайди, натижада ортиқча ҳаракат эвазига юрак зўриқиб қолиши мумкин. Шу боисдан ҳам юрак хасталиги бор беморларга асални оз-оздан истеъмол қилиш тавсия этилади (бир чойкошик ёки ошқошидан кунига 2-3 маҳал истеъмол қилиниши лозим). Асални сут, мевалар билан истеъмол қилиш яхши натижада беради.

*Гулбахор ҲАЙДАРОВА
тайёрлади*